
ОЛТИАРИҚЛИК ДОСТОНБЕК ОТАБОЛАЕВ КАРАТЕ WKФ БЎЙИЧА ИЛК ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ!

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида карате WKФ бўйича катталар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Мусобақада дунёнинг беш қитъасидаги 104 та давлатдан жами 983 нафар спортчи ғолиблик учун татамига чиқишди.

Эркаклар ўртасида -75 килограмм вазн тоифаси финал баҳсида карате WKФ бўйича миллий терма жамоамиз аъзоси, спорт яккакурашлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби спортчиси, олтиариқлик Достонбек Отаболаев мисрлик Абдулла Мамдуҳ Абдулазиз устидан ишончли ғалабага эришди ва Ўзбекистонга тарихий олтин медални тақдим этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-22 14:17:22